



АКС-САДО

«ЖИНОЯТЧИЛИК КЎПАЙМОҚДА. НЕГА?»

Дилмурод Саидовнинг «Жиноятчилик кўпаймоқда: нега?» номли мақоласи мени ўйлантириб қўйди. Бу ҳақда баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Менимча, вояга етмаганлар аввало жуда таъсирчан, тез ўзгарувчан, қизиққон бўлганлиги туфайли ҳам охирини ўйламаган ҳолда эгриликка қўл уради. Масалан, мактабга ўртоғининг башанг кийиниб келиши, ёнида пул олиб юриши ҳам унинг нимасиндир — ё ҳасадини, ё ҳавасини уйғотади. Афсуски, бизларда ҳамон бир тушунча борки, яхши кийинган гўёки одаму ёмон кийинган одаммасдек. Шу ваддан ҳам болалар ана шу «кемтик» жойни нима биландир тўлдирмоқчи бўлишади. Оқибатда дилида пайдо бўлган ана шу ҳис уни каттакатта жиноятларга ундайди.

Менимча, аввало тарбиянинг пойдеворини мустаҳкамлаш зарур.

Агар ҳар нарсага очиқ кўз билан қарайдиган бўлсак, қанчадан-қанча муаллимлар, тарбиячилар таниш-билиш қилиб ўқишга кириб, амал-тақал қилиб битириб олишган. Ҳўш, улар — диплом учунгина ўқиганлар ёшларга қандай билим берсин. Болалар ҳам анойи эмас, билимсиз ўқитувчиларни дарров ажратиб олишади. Уларнинг на ўзини, на насихатини, на фанини ҳурмат қилади кейин.

Ота-онанинг эмас, ўқитувчиларнинг изидан эргашадиган ўқувчилар анчагина. Афсуски, буни баъзи муаллимлар тушунавермайдилар.

Ғулом НАЗАРОВ,
Қарши шаҳар ИИБ ходими
милиция сержанти.

Журналист Д. Саидов ўз мақоласида муҳим масалани кўтариб чиққан. Усмилрлар орасида жиноятчиларнинг кўпайишида ким айбдор? Албатта, биринчи навбатда ота-она. Ота-онаки тарбия тошини мўрт қўйган экан, бола ҳар қандай салбий таъсирга тез берилувчан бўлади.



Бошқа бир томони қоронғу ғавқаларда қўйилган видеофильмларнинг ўта беҳадлигидир. Акстарбияда бунинг олдида тушадигани йўқ. Чунки ота-она, ўқитувчилар берадиган панд-насихатни кўриб бўлмайди. Видеосалондаги «тарбия» эса кўз ўнгида. Шунинг учун биринчи ўринда ана шуларни қуритиш керак.

Қонунларимизда белгиланган жазони ҳам қучайтириш даркор.

М. ЖУМАНОВ,
милиция кичик сержанти.

УНВОН МУБОРАК

ССЖИ Президенти М. Горбачёвнинг шу йил 26 октябрь кунги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирлиги милиция полковниги Э. Алматовга «милиция генерал-майори» унвони берилди.



21 октябрь куни соат 16 дан 40 дақиқа ўтганда Тахтакош тумани ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлимига «Ўзбекистон 40 йиллиги» номли ГРЭСда ёнгин бошлангани ҳақида хабар келди. Фавқулоддаги офат 19 дан 30 дақиқа ўтганда даф этилди. Бунда 90 нафар ўт ўчирувчилар ҳамда 40 нафар милиция ходимлари жасорат кўрсатдилар. Аммо ёнгин ўз асоратларини қолдиришга улгурганиди. Яъни еттичи энергоблокнинг минг квадрат метр масофани эгаллаган машина зали томи яроқсиз ҳолга келиб қолганди.

Хуллас, жумҳурият энергетикасига жиддий зарар етказилди. Истеъмолчилар миллион киловатт-соат электр энергиясидан маҳрум бўлдилар.

Минг афсуски, бу ана шу тармоқ нишоотларидаги или фалокат эмас. Агар ҳурматли муҳлисларимизнинг хотираларидан фаромуш бўлмаган бўлса, 1990 йилда Сирдарё ГРЭС турбогенераторида ҳам портлаш юз берганди. Натияжада 1 минг 520 квадрат метр ҳажмдаги бино томи яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ушанда ишдан чиққан 300 минг киловатт соат қувватга эга бўлган турбогенератор ҳанузгача созланмаган.

Ҳозир мутахассислар Тахтакошда фалокат сабабларини ўрганяпти, аммо хомаки ўйлашимизча, худди Сирдарёдаги каби бу ерда ҳам кимларнингдир бефарқлиги шундай оқибатга олиб келган.

Сураткаш Е. ДУДНИК.

Л. Корасева нархи 2.500 сўмлик «Ява-350» белгили мотоциклни Собир Раҳимов туманидаги Қорақаминш даҳасида жойлашган 311-автобекатга топширди. Навбатчи С. Лишевич китобга қайд қилиб қўйди. Оқимода унинг ёнига икки йнгит келди.

— Дустимиз мотоциклни олиб кетишимизни илтимос

қилди, — дейишди улар.

С. Лишевич индамай мотоциклни бериб юборди. Унинг лақмаллиги эртаси кунин Л. Корасева ўз уловини сўрагандагина маълум бўлди.

Ҳали С. Лишевич у во-

қеадан ўзига келмай туриб йнгитлар яна таширф бузоришиди.

— Ўтган кунин ўғирланган мотоциклни қайтариб беринглари, — деди навбатчи уларнинг қуюқ саломига алик ҳам олмай.

МОТОЦИКЛ ЎҒРИЛАРИ

РАСМИЙ АХБОРОТ

Ўзбекистон Жумҳурияти Вазирлар Кенгаши қарорига мувофиқ милиция полковниги Насриддин Аҳатович Исmoilов Жумҳурият ички ишлар вазирлигининг ўринбосари этиб тайинланди.

У 1947 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1981 йилда Тошкент олий милиция мактабинин, 1984 йилда эса ССЖИ ИИБ Академиясини битирган.

1973 йилдан бери ички ишлар идораларида ўрта ва катта раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб келмоқда. Дастлаб Октябрь тумани ИИБ жиноят қидирув хизмати инспектори, катта инспектори бўлиб ишлади. Кейин Жумҳурият ИИБ штаби катта инспектори, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ижроия қўмиталари ички ишлар бошқармаларида бошлиқ



Ўринбосари этиб тайинланди. 1988 йилдан бери эса Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси ИИБ бошлиғи.


Ўзбекистон Жумҳурияти Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Равшан Ҳайдарович Ҳайдаров Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, вазирлик шахсий таркиби билан ишлаш хизматининг бошлиғи этиб тайинланди.

У 1953 йилда Жиззах вилоятида туғилган, маълумоти олий, 1981 йилда Тошкентдаги олий милиция мактабинин, 1984 йилда эса ССЖИ ИИБ Академиясини битирган.

Меҳнат фаолиятини 1971 йилда Сирдарё вилояти матлубот жамияти улгуржи-савдо базасида омборчи сифатида бошлади. Кейин Совет Армияси сафларида хизмат қилди.

Ички ишлар идораларида эса 1974—1985 йилларда турли лавозимларда хизмат қилди. Янгийер тумани ИИБ участка ваили, Ховос тумани ИИБ жиноят қидирув катта инспектори, бўлим бошлиғи ўринбосари, Сирдарё вилояти ИИБ ДАН бўлими бошлиғи бўлди.

1985 йилда эса Сирдарё вилояти фирқа қўмитасида



маъмурий ва савдо-молия идоралари бўлими йуричиси, кейинроқ эса мудири этиб тасдиқланди. Худди шунингдек, турли раҳбарлик лавозимларида ишлади.

1991 йилдан бери Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири ўринбосари.

ШАҲИДЛАРНИ УНУТМАЙЛИК

Ҳадемай совет аскарларини Афғон тупроғидан олиб чиқарилганига икки йил тўлади. Қаранг, икки йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетяпти. Биз учун шундай. Аммо ўзга юрт тупроғида қолиб кетганлар учунчи? Уларнинг оила аъзолари учунчи?

Йўқ, албатта. Улар учун Афғон сўзи оғрик, дорд. У оналар қалбидаги чорасиз армон, оталар нигоҳидаги мунг, қисқаси бир олам алам.

Жумҳурият байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилар уюшмаси мақсадсиз урушда қурбон бўлганлар хотирасига бағишлаб, «Хотира китоби»ни ташкил қилишга киришдилар.

Йиллар ўтади. Аммо бу китоб келажакдаги авлодлар учун энг азиз меросга айланади. Улар шу китоб билан танишиб, ўзга юрт тупроғида мангуга кўз юмганлар жасоратидан огоҳ бўладилар. Шаҳидлар хотираси ёш қалблардан абадий жой олади.

Азиз юртдошлар, рўномамизнинг қадрли муҳлислари! Агар сиз фақат ўзингизгагина маълум бўлган марҳум афғон жангчиларни ҳақида ёзиб, бир донна суратини ҳам юборсангиз, уларнинг руҳини шод айлашга ҳисса қўшган бўлардингиз.

Г. ҚОБИЛОВА.

— Э, ҳали шунақами, — деганча «меҳмонлар» уни калтаклай кетишди. Ёнидаги 400 сўм пулини шилиб олдилар.

Собир Раҳимов тумани халқ суди таъмагирларини турли муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Мўйдин СЎФИ.

МУШТ КЕТДИ

ЕКИ БИР-БИРИНИНГ «ИШ» ИНИ ДАВОМ
ЭТТИРГАН ЖИНОЯТЧИЛАР ҲАҚИДА

ТАНИШУВ

Тошкентга келганидан буён ҳеч омади юришмаган Эркин ортига — қишлоғи Риштонга қайтиш учун Тошкент—Андижон поездида ўтирди. Қўшни купедаги тошкентлик икки норғул йигит (улар қидирувда бўлганлари учун атайин номини келтирмадим) унинг диққатини тортди. Бир оз суҳбатлашгач, уларнинг ҳам ўзи каби «ов» ишқибозлари эканликларини, водий шаҳарларига «сафар»га кетаётганликларини билиб олди.

— Бахтимизни биргаликда синаб кўрарканмизда, — деди Эркин янги дўстларига кўз қисиб.

Эрта тонгдан Фурқат бекатида поезддан тушган янги танишлар автоуловда Риштон тумани марказига йўл олишди. Шаҳардаги ошонналарнинг бирида тамадди қилиб, қилинажак ишлар тўғрисида маслаҳатлашиб олишди. Улар учун яна бир киши зарур эди. Шунда Эркиннинг ёдига Олтиариқ туманидаги Эски араб қишлоғида яшовчи, муқаддам икки марта судланган Мухтор Турдалиев тушди...

ЎҒИРЛИК

М. Турдалиев таклиф қилинмаган «меҳмон»лар шарафига дастурхон ёзди. Ҳаммалари биргаликда ўтириб улфатчилик қилишаркан, Эркин ўз ташрифларининг боисини унга баён қилди. Чиллаки чиллакини кўрса чумак уракан. Эркиннинг сўзларида жон борлигини фаҳмлаган Мухтор уни қўллаб-қувватлади. Гап орасида ўғирлик учун Риштон тумани қишлоқлари мослигини, бунинг учун Эркин ўша атрофдаги керакли хонадонларни аниқлаб келса ёмон бўлмаслигини кистириб ўтди. Эркин ҳам кўп ўйлаб ўтирмади, ўзи туғилиб ўсган Топиболдиев қишлоғи ҳудудида яшовчи бадавлат кишиларни эсга оларкан, Чўлигулистон қишлоғидаги Юсуфжон Йўлдошев хонадонини мўлжаллади.

Утган кўзнинг 14 октябрь туни соат учлар арафасида уч киши — Эркин, Мухтор ва тошкентлик йигит Чўлигулистон қишлоғи томонга йўл олдилар.

Эркин нишонга олинган қишлоқ ва ҳар бир хонадоннинг хилват, чорбоғ йўллари яхши билганлиги учун шерикларини дала орқали Юсуфжоннинг ҳовлиси эгагидаги эшикдан бошлаб кирди. Улар ҳовли ва хоналарни қаноат билан минг бор кўздан кечирмасинлар, хонадон соҳиби эҳтиёткор эканми, қўлга илингулик бирор матоҳ тополмадилар. Лекин қуруқ қайтиш уларга хос одат эмас, шу боис айвонда турган «ИЖ-Планета-5» белгили кажавали, баҳоси 1510 сўм 50 тиын турадиган мотоциклини ўмариб чиқишиб, ўзларига маълум усул билан ўт олдиришгач, тўғри Олтиариқ тумани яқинидаги Қўрғонтепа сув омбори соҳилига келишди.

У ерда мотоцикл кажавасини ечиб, сувга улоқтиришди.

Мухторни бу «ўлка» қониқтирмади. Шунинг учун Эркинга бир ҳафта ичида қўшни қишлоқлардаги бадавлат, енгил улови бор одамларни аниқлаб келишни буюрди.

Тошчириқни бажариш мақсадида Эркин ҳафта давомида қишлоқлардаги ўзига тўқ оилаларни аниқлаб, ҳовлиларга кириб-чиқиш мумкин бўлган ҳар бир тешик ва йўллари пухта ўрганиб чиққач, Олтиариққа — Мухторнинг уйига жўнади.

БОСҚИНЧИЛИК

Эркиндан мўлжалдаги хонадон эгаси ҳақида миридан

сирегача сўраб билган Мухтор меҳмони К. билан маслаҳатлашиб, режани амалга оширишни 23 октябрь тунига белгиладилар.

Тайин этилган кун милтиқ ва ханжарлар билан қуролланган «уч оғани ботирлар» Риштон тумани томон мотоциклда йўлга чиқдилар.

...Ҳафизахон ярим тунда қандайдир шарпани сезиб ўрнидан турди, чироқни ёқиб, нариги хонада ухлаб ётган ўғлидан хабар олиш учун ташқарига чиқди. Чиқдио рўпарасида ўзига тикилиб турган уч барзангини кўрди (бу вақтга қадар босқинчилар барча уйлари, шунингдек, Ҳафизахоннинг фарзанди ухлаб ётган қўшни хонани ҳам «тафтиш қилиб» бўлгандилар).

Ҳафизахон номаълум башараларга кўзи тушиши баробарида ўзини йўқотди, дод солиб эрини уйғотмоқчи бўлди. Лекин Мухтор хонадон соҳибасининг бошига милтиқ билан туширишга улгурди. Хайриятки, худди шу пайт Набижон ўрнида тура солиб эшикни ичкаридан беркитди, бақириб қўшниларини ёрдамга чақира бошлади. Ноилож қолган ўғрилар эса хонадонни тарк этишга мажбур бўлишди.

Қўшнилар тезлик билан тиббий ёрдамга ва милицияга қўнғироқ қилдилар...

Ҳафизахоннинг касалхонада ҳушсиз ётиши, Набижоннинг ўғрилар ҳақидаги пойинтар-сойинтар гаплари изқуварларнинг ишини бироз орқага сурган бўлса-да, Эркиннинг шахсини аниқлаб, қўлга олишга эришдилар. Бошқалари сувга чўккан тошдек изсиз эдилар.

Ўрганган кўнгил ўртанмай қўймас экан. Бу гал Мухтор яна бир ишни режалаштираркан, «синган қовурғалари»нинг ўрнини тўлдирмоқчи бўлиб, ҳамқишлоғи — Машрабни уйига таклиф қилди. Лаблари қадаҳ ўлган дўстлар бир оз қизиб олишгач, мақсадга ўтишди.

Кечга яқин пичоқ билан қуролланган «қўш қашқир» маҳалладошлари Х. Тожибоевнинг уйига бостириб кирдилар. Хонадон эгасини уй бурчагига тортиб, томоғига пичоқ тираганларича «пул афзалми ёки жонми», деб сўраб турганларида, Холмат аканинг қариндош-уруғлари келиб қолишди.

Улар босқинчиларни инсофга чақиритмоқчи бўлиб, анча уринишди. Фойдаси йўқ. Қайтанга беҳаё ҳақоратлар остида қолишди. Қўни-қўшнилари йигилишиб, одамлар кўпайгандан сўнггина юзсизлар қочиб қолишди.

Аммо орадан бир оз вақт ўтиб, Мухторнинг ҳамтовови Машрабнинг жини бадтар кўзиди. Болта, пичоқ олиб яна Холмат аканинг уйига келдилар. Машраб роса безорилик қилиб, қўлидаги болтани хонадон соҳибининг қайноғаси М. Одиловга отди. Одилов йиқилди. Учиб келаётган пичоққа зўрга чап берди.

Сабрнинг ҳам чегараси бўлади. Қариндошлар таёқ билан Машрабни яхшилаб бир уриб, йиқитишди. Бу орада Олтиариқ тумани ИИБ ходимлари келишиб, безориларни олиб кетдилар.

Суд бўлди. Мухтор Турдалиев 10 йилга, Машраб Хўжаев 6 йилга ўзларини босиб олиш учун панжара ортига юборилди.

Тожнали МАМАДАЛИЕВ,
Риштон тумани ИИБ
терговчиси милиция катта лейтенанти.

Эмижон ОБИДОВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.



Сизда ором қайда, сизда тин қайда!
Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда!
Посбон биродарлар, фидойи жонсиз,
Эл меҳри асрасин сизин ҳар жойда!..

Муҳаммад ЮСУФ.

Шаҳардаги хонадонларнинг бирида қотиллик юз берди. Бу ҳақда вилоят ички ишлар бўлимига хабар қилганларида деярли ярим тун эди. Кундузи билан елиб-югуриб, ниҳоят ўз ишини яқунлаётган экспертиза-криминалистика бўлимининг катта эксперти Сергей эндигина уйига отланаётганди. Ноилож, хизмат

Оператив гуруҳ жиноят содир этилган жойга етиб келганида икки кекса аёл уларни йўл четига кутиб олиб, воқеа юз берган хонадонга бошлаб кирди. Шинамгина хонадаги стол устига икки киши учун мўлжалланиб ёзилган дастурхон тўла ноз-неъмат, ярми ичилган беш юлдузли коньяк ва стол остида юмалаб ётган бўш ароқ шишаси ўтириш ҳақиқатдан ҳам «кўнғилдагидек» ўтганлигидан далолат берарди. Нариди пичоқланиб ётган йигитнинг кўкрагидан оққан қон гилам четига халқоб ҳосил қилган. Четга сурилган диван, деразадан юлиб олинган парда, пачоқ бўлган мебель марҳумнинг ҳам, қотилнинг ҳам анча бақувват бўлганлигини кўрсатиб турибди. Бироқ бу қотилнинг ким эканлигини аниқлаб беролмас эди.

Одатдагидек бу ерда ҳам ишни биринчи бўлиб эксперт Сергей Нежунин бошлаб берди. Шу пайт яқиндагина бўлимга қабул қилинган ёш сержант стол остидаги ароқ шишасини олиш учун эгилган эди, у огоҳлангирди:

— Тегманг!
Сержант дарҳол қўлини тортди. Сергей шошмай мурдани бир неча бор суратга олгач, лупа ёрдамида хонадаги жиҳозларни бирма-бир кўздан кечира бошлади. Жиноятчидан қолган айрим изларни аниқлаб, намуналар олди. Коньяк шишасидан олинган бармоқ излари кейинчалик қотилни аниқлаб берди.

Қотиллик аслида қандай рўй берганлиги билан қизиққанлигимиз ва бу ҳақда муштарийларга баён қилмоқчи бўлганлигимиз боис, воқеа хусусида катта эксперт, милиция катта лейтенанти Сергей Нежунинга мурожаат қилдик.

— Онасининг узоқ муддатга оид шаҳарга кетганидан фойдаланган С. яқин ўртоқларидан бири В.ни меҳмондорчиликка таклиф қилади. — дейди у. — Камтарона безатилган дастурхон атрофида ўтириб, аввал ичкиликнинг «оқи»ни юмалатишади.

КРИМИНАЛИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Сўнг «қизили»га ўтишади. Олди-қочди хангомалардан сўзлашиб ўтирганларида В. гап айлантиради. Бир зумда улфатлар бир-бири билан муштлаша бошлайдилар. Анчага қадар ҳал бўлмаган жанжал пичоқ аралашгандан сўнг барҳам топди. В. хонадондан баъзи жиҳозларни олиб чиқиб кетишдан ҳам уялмади.

Олиб борилган тергов ишлари ва экспертиза-криминалистика бўлими архивида сақланаётган фактлар асосида қотил муқаддам содир этган жиноятларини ҳам тан олишга мажбур бўлди.

Сергей яна бир бор ишонччи оқлаган эди. Шунинг учун маолаамизнинг бугунги мавзуси ҳам Сергейнинг мураккаб касби ҳақида бўлади. 1984 йил Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ЭКБга ишга олинган Сергей

Милиция кичик сержанти Маматкарим Раймовнинг ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига ҳадемай ўн йил бўлади. Ҳозир у ўз фаолиятини Ширин шаҳар ИИБ ДАНБда давом эттирмоқда. Маматкарим талабчанлиги, қонда-бузарларга нисбатан қаттиққўллиги билан ҳам ҳамкасблари ва фуқаролар ҳурматини қозongan.

Гарчи йўлларда назоратчилик қилишнинг машаққатли томонлари бўлса-да, у бундан нолимайди. Ҳар тонг ишга отланар экан, фақат бир нарсани — йўлларда автофалокатлар бўлмаслигини истади.

СУРАТДА: М. Раймов ҳайдовчи билан мулоқотда. Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ҳаракатчанлиги, синчковлиги, касбига бўлган иштиёқи билан ҳамкасблари ўртасида эътибор қозона бошлади. У 1987 йил Волгоград олий терговчилик мактаби қошида криминалистика куллиятига малака ошириш учун жўнатилди. Орадан бир йил ўтгач, милиция катта лейтенанти бўлди. 1989 йил бошқарманинг махсус йўлланмаси билан Тошкентдаги милиция мактабига ўқишга кирди. Шу давр мобайнида бир неча ўнлаб жиноятларни излаб топилган маҳорат кўрсатди. Тажрибаси ортиб борди. Ҳозирда у вилоятда ягона бўлган махсус лабораторияда иш олиб борапти.

Туркий халқларда: «Ҳеч бир кимса она қорнидан олим бўлиб дунёга келмайди», — деган ҳикматли сўз бор. Сергей ҳам ўз иш фаолиятини биз билан ўртоқлашар экан, бу соҳанинг сир-синоатини, услубларини пухта эгаллашида ҳамкасблари А. Жақпаров ҳамда А. Мильниковларнинг хизмати катта эканлигини таъкидлаб ўтди.

Биз у билан кўп нарсалар хусусида суҳбатлашдик. Суҳбат жараёнида Сергей, айниқса, ёшлар тақдири ҳақида куюниб гапирди:

— Минг афсуски, — дейди у, — ҳозир вилоятда юз бераётган жиноятларнинг асосий қисмини ёшлар содир этаёпти. Жиноят очилиб, юздаги ниқоблар йиртилганида, ёш-ёш йигит-қизлар рўпарангизда турган бўлади. Уларга қараб ҳам ачинасан, ҳам нафратланасан киши. Кўзатишларимдан келиб чиқиб, бизда ёшларга эътибор кам, уларга қўйилган ётган талаблар суст, деган хулосага келдим. Қани энди ҳамма-ҳамма эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларга муносабатни тубдан яхшила-са. Ушанда юзлаб жиноятларнинг олди олинган бўларди.

Сергейнинг сўзларини тинглар эканман, фикрига қўшилдим. Халқимизда «яхши ният эртани-кечми руёбга чиқади» деган доно нақл бор. Ҳақ гап.


Музаффар ТУЙЧИЕВ,
ТошДД толиби.

Содир бўлиб турган жиноятларнинг тез очилиши кўп жиҳатдан ички ишлар бўлимларида фаолият кўрсатаётган терговчиларнинг маҳорати ва билимига боғлиқдир. Шиддат билан даврга ҳамоҳанг одимлаётган ўспирин ва ёшларимиз орасида қўзиқориндай болаётган ўғирлик, номусга тегиш, фоҳишабозлик, қаллоблик ва жиноятнинг бошқа турларини кузатаётган кишилар баъзида суд ишламаяпти, милиция ҳеч қарга қарамаяпти деб нолишади. Аслида ундай эмас. Жиноятчиларнинг асл башарасини очишда ўз ишининг моҳир усталари — билимдон терговчилар тиним билмай машаққат чекмоқдалар.

Сиз суратда кўриб турган терговчи Абдуғаффор Абдуллаев ана шундай касб эгаларидан бири ҳисобланади. Унинг мазкур соҳани эъозлаб келатганига 25 йил бўлди. Бу давр ичида А. Абдуллаев шугулланган бирорта ҳам жиний иш суддан қайтиб келмади.

Оққўрғон тумани ИИБ ходимлари унинг номини фахр билан тилга оладилар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.



Болалигимда мен ҳам худди сизлар каби туйғуни ҳис қилар эдим. Савоб, гуноҳ деган нарсалар қалбга ғулу солиб турар, мовий осмоннинг тозаллигини, ямшил ўтлоқнинг беғуборлигини, оқ, сарғиштоб рангли залдори гулларининг софлигини кўрганда кўнгил сел бўлиб кетгувчи эди. Қишда деразанинг ёнида ўтириб олиб, шамолнинг қўрқинчли ҳувиллашини тинглар, қор босган ҳадсиз даланинг жозибасига маҳлиё бўлиб ўтирар эдим. Ёзнинг қисқа тунлари эса жуда бошқача эди. Унинг қоронғулиги, мавҳумлиги ўзига тортар, шу билан бирга мана шу сеҳрли кўйида ажиналар учиб, бўриллар санғиб юриши мени чўчитарди. Тўғриси қўрқардим.

Кейин мактабга бордим... Кампирни ўлдириб кетишди...

Муштипар бир онаизорни оёқ-қўлини боғлаб, оғзига латта тиқиб, устига қават-қават кўрпа ташлаб, унинг ҳаётига сўнгги нуқтани қўйишди.

У бўғилиб ўлди... Ҳукм эса қўп-қуруқ (ҳам кўчма, ҳам тўғри маънода). Одатий қайсар ва расмий сўзлар. Ҳолбуки, бунинг ортида бир инсоннинг ҳаёти ётибди. Ҳолбуки, бу тўрт инсоннинг тақдирини...

Судланувчи Алиев Раҳмон ўз ЖМнинг 119-1 моддаси билан айбли деб топилиб, 12 (ўн икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин.

Судланувчи Хўжақулов Жўрақул ўз ЖМнинг 119-1, 80-моддаси 1,9-пунктлари, 127-модда 2 қисми билан айбли деб топилиб, 15 (ўн беш) йилга озодликдан маҳрум қилинсин.

Судланувчилар Давронов Нуриддин, Эралиев Нурмаҳматлар ҳар бири 13 (ўн уч) йилдан озодликдан маҳрум қилинсин.

...Мактабда менга ўқишдики, худо йўқ. Савоб, гуноҳ деган нарсаларнинг барчаси бўлмагур гаплар. Уйда эса отам савобу гуноҳнинг фарқини ўқитарар, худонинг бор-йўқлиги ҳақида эса лом-ним демасди. Жимгина унга сизнаверарди. Кейин билсам ҳақ нарса ўқтирилмас, уни ҳадеб тасдиқлаб ётишмас экан. Фақат ёлгонгина тарғиб қилинар экан... Мактабда билдимки, осмоннинг беғуборлиги, рангларнинг тозаллиги — ҳаммаси ўйлаганимдан бошқача экан. Олдинга мени савобу гуноҳларнинг бўлмагур гап эканлиги роса севинтирди... Маза, хоҳлаган ишни қилиш мумкин экан. Фақат одамлар билиб қолмас бўлди ёмонроқ иш қилаётганингни... Кейинчалик одамни ларзага солувчи ранглар аслида ранг эмас, нурнинг синиши эканини ўқитишгач, қалбдаги қолган-қутган туйғулар ҳам ўлиб бўлди. Рассом бўлишга қизиқардим. Бу ҳам сўнди. Қизиқ-да, сиз сизинган нарса аслида мавжуд бўлмаган, мавҳум бир тасаввур бўлиб чиқса... Одамни оёғини, қўлини... боринг-ки, бошини кесишса буни тушуниш мумкиндир, лекин, тушусини, эътиқодини кесишса-чи?... Одам қўлсиз, оёқсиз инсонлигича қолиши мумкин. Туйғусиз, эътиқодсизчи?!...

Раҳмон олий маълумотли. У бу қотилликда иштирок этмаган. Бевосита алоқаси ҳам йўқ. Лекин мана шунинг заминидан униб чиққан иккинчи, бошқа бир жиноятнинг ташаббускори. У замонавий тарбиянинг барча босқичларини «ўтаган». Жўрақул, Нуриддин, Нурмаҳматлар эса унчалик бўлмас ҳам, ўзимиз қатори мактабда камол топганлардан. Мен ўзимни уларга тенглаштиришдан чўчимайман. Улар қотил... Бунинг учун жавоб берилади. Лекин қо-

тилларни тарбиялаётган маскан ҳам бор-ку. Аниқ бир мактаб назарда тутилмапти. Бутун бир тармоқни айтаяпман. Маориф тармоғи... Балки ундан ҳам кенгроқ... Улар нега сўвдан қуруқ чиқишлари керак? Биргина бу қотиллик учун эмас, балки жиноятчиликнинг ҳозирги аҳволи учун ҳам маориф бевосита жавобгар. Чунки ҳаммани ўша тарбиялайди.

Мактабни эътиқодга тегишига нима ҳаққи бор? Муаллимлар (энди ўйласам қоним қайнаб кетади) қизларимизнинг лозимларига ёпишмай, фанини ўйлашга яхши бўлар эди. Айтиш мумкин, сиёсат и унақа. Уни ҳам шу мактаб тарбиялаганлар бошқаради-да, ахир.

Кампирнинг ўғли, аини ширкатбозлик авжига чиққан пайт эмасми, тамаки қабул қилиш ширкати очган эди. (Воқеа 1989 йилда бўлган). Унинг иши бу ердан ортиқча маҳсулотларни олиб, узоқ-узоқларга сотиб келиш. Ушанда ширкат раиси 80 тонна тамакини яқиндагина сотиб келган эди. Албатта жуда кўп пул бўлиши керак. Буни Жўра-

Бу аҳволда «ишлаб» бўлмайди. Тахмондан бир неча кўрпа олиб устига ташлашди. Энди кампирнинг жон талвасасида тўлғанишлари билинмай қолди. Бундан чиқди, ҳар қандай ваҳший қотил ҳам ўз қурбони олдида, унинг жон тошшириш олдидаги талвасаларига бифарқ қараб туролмас экан-да.

Нариги хонада ётишган келин, набиралари ҳеч нарсани эшитишмади. Қайдан ҳам эшитишсин?

Улар эса пул излашди. Пул! Бир оиланинг хонумини куйдириб излашди уни.

«Одамларни моддий манфаатдорлик ҳаракатга келтиради» (К. Маркс). Буниси яхши, лекин бу «ҳаракат»ни чеклаб турадиган нимадир бўлиши керак-ку. Акс ҳолда у хоҳлаган томонга қараб кетавериши мумкин. Уни чеклаб, чегаралаб турган нарса нима ҳозир? Қонунми? У билан ҳар бир кишини назорат қилиб бўлмайди.

Қонунни алдаш, чалғитиш, қолаверса сотиб олиш мумкин. Аслида ана шу назоратчи ҳар бир кишининг ўзида бўлиши керак.

са бўлади. Сенга тарбия бераётган, онгингни шакллантираётган одам ёлгон гапириб турсачи? Бунга чидаш мумкинми? Мумкин... Фақат ёлгондан тарбия топган кишининг муқаддас ҳеч нарсаси бўлмайди.

«Коммунизмда ҳар битта қишлоқда биттадан аэродром бўлади» — деб бизни алдарди алданган ўқитувчимиз.

«Бахтли болалигимиз учун партияга раҳмат!» — дея бизни сурув-сурув қилиб бўйимиздан баланд ғўзапоялар ичига ҳайдаб, тупроқнинг остидан пахта қазиб олишга мажбурлашарди. (Бу ҳақда кўп ёзилди). Ишонтириб айтишим мумкин, ўз вақтида қўллар ҳам бунақа ахмоқона иш билан шуғулланмаган.

Шунақа тарбиядан кейин буларнинг қалбида муқаддас туйғу (нафақат муқаддас, балки туйғунинг ўзи), бирор ёруғ нарсага эътиқод қолиши мумкинми? Жуда қийин-ов.

Мақоламиз қаҳрамонлари тарбия ёшидан ўтиб қолган. Лекин вақтида олганлари ҳам анчага етадиган бўлган экан.

ОСМОН НЕГА ТУШИБ КЕТМАС ЭКАН?

қулга ишончли одамлар хабар қилишади. (Кампир Тегана, Жўрақул ва унинг ҳамроҳлари Жозмон қишлоғида яшашган). Бу «операция»га улар жуда пухта тайёрландилар. Кузатишлари, ҳисоб-китоблари бўйича ўша кун кампир Нарпайда, ўғли эса ўқишга кетган бўлиши керак эди. Аслида шундай ҳам бўлган. Фақат қандайдир тасодиф билан (ажал етаклаган бўлса эҳтимол) кампир у ёқдан эртароқ қайтади. Четдаги уйда бир ўзи ётиб қолади.

Айтишадими, бир вақтлар дўкондорми, устами — ким бўлишидан қатъий назар, ҳамма нарсасини очиқ-сочиқ ташлаб, номоз ўқигани кетишар экан...

Айтишадими, бизда авваллари қулф бўлмаган... Қайдан ҳам билай бу гапларнинг рости, ёлгонлигини. У даврлар ҳақида бизга ҳеч нарса айтишмаган бўлса.

Яна айтишадими, ўғрилиқ қилганининг бармоғини кес-сак, ўғри камади... Эҳ, содда одамлар, биз аллақачон бундан ҳам даҳшатлироқ жазога маҳкум бўлганмиз. Бизнинг эътиқодимизни кесиб ташлашган (жонажон маорифимизнинг қўли билан). Битта-иккита бармоқлар нима бўлипти дейсиз.

Уша кунни Жўрақул бош, Нуриддин билан Нурмаҳматлар ёнбош бўлиб Теганага келишди. Тун эди. Аста-секин уйга киришгач, қутилмаган нарсанинг устидан чиқиб қолишди. Уйда кампир бемалол ўхлаб ётарди. Уларнинг режаларида бу кўзда тутилмаган бўлиб, бир соғина довдираб туришди. Бундай пайтда ҳар қандай иккиланишнинг оқибати яхшиликка (балки ёмонликка дейилса тўғрироқ бўлар. Бу ёғи воқеага кимнинг кўзи билан қарашга боғлиқ) олиб келмаслигини билган ўғриллар апил-тапил кампирнинг оёқ-қўлини боғлашга тушишди. Кимдир оғзини беркитиб турди. Кимдир қўлини боғлади, кимдир оёғини.

У қариб, кучдан кетиб қолган бўлса, бу барзангиларга қандай дош берсин? Нима бўлаётганини тўқила-англаб етолмай типирчиланганча қолаверди. Кейин оғзига латта тиқинди. Унинг ҳадеб типирчилаётгани ўғрилари ташвишга солди.

Қотиллар оналари тенги кампирни дўзах қийноқларига солиб пул излашди. Уларда туйғу йўқ эди. Бу нарса аллақачон ўлиб бўлган. Бўлмаса лоақал бир марта шу қурбонларнинг ўрнига ўз оналарини тасаввур қилиб кўришган бўлишарди.

Пул эса йўқ эди. Ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилишди, ҳеч нарса топилмади. Ниятлари, ўйлари чиплакка чиққач, қўлга илинган нарсани олиб жуфтаникни ростлашди. Бу видеомагнитофон ва касета эди.

Кейинчалик ажина, шайтон, асроилларнинг йўқлиги мени ташвишга сола бошлади. Агар жинлар бўлмаса одамларнинг ўзлари уларнинг тусларига кириб олишар, ҳаттоки ошириб ҳам юборишар экан... Эрталаб воқеадан хабар топган кампирнинг оғ-инилари, қариндош-уруғлари даҳшатдан қотиб қолишди. Бундай бўлишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ. Тўсатдан... Шундан туман ИИБга қатнаш бошланди. Бу йўлда қанча чорикнинг таги тешилганини худо билади. Ишнинг очилиши учун роса икки йил вақт керак бўлди. Воқеа жойида ҳеч қанақа из қолмаган, қариндош-уруғларнинг бирор гумондор кишиси йўқ. ИИБ ходимлари нимага таянишни, нимага асосланишни билишмас эди.

Орадан бир йил ўтиб, Иби Сино номли давлат хўжалиги хазинасидан сейфни бузиб 32 минг 800 сўм пулни ўмариб кетишди. Яна ўша моддий манфаатдорлик... Қидирув ишлари бошланди. Буни ҳам анча малакали ўғриллар содир этгани маълум эди. ЖҚБ ходимлари аниқ бирор бир изни топишолмади. Бу иш олдингисига алоқадор бўлиши мумкинлиги эса ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келгани йўқ.

Одамлар нега бунча разил бўлиб кетишган?

Фарзанд ноқобил чиқса, тарбия берган ота-онасини лаънатлашади.

Биз ноқобилларни кўпайиб бораётгани учун кимни лаънатлайлик?

Сиёсат алдаса чидаш мумкин, матбуот алдаса чидаш мумкин. Борингки, давлат, ҳокимият алдаса ҳам чида-

Орадан бир йил ўтиб, яна ўғирлик содир этилди. Бир гуруҳ болалар хўжалик фермасидан 13 та молни олиб чиқиб кетаётганда қоровул сезиб қолади.

— Оператив йўл билан улардан бирини тутдик, — дейди туман ИИБ ЖҚБ бошлиғи милиция майори Шухрат Убайдуллаев, — кейин у орқали бошқа жиноятларга ҳам чиқдик. Маълум бўлишича, унинг акаси Жўрақул кампирни ўлдиришда «бош-қош» бўлган, кассани ҳам у ўмарган экан, совхоз методисти Раҳмон билан биргаликда.

Жазоланмай қолган жиноят урчиб кетаверади. Омадсизроқ тугаган биринчи «уриниш» Жўрақулга сабо бўлмаган экан. Иккинчи мартасида унча-мунча ҳадисини олган-да, қоровулни эгчил боғлаб ташлаб, пулни ўмариб кетишга муваффақ бўлди. Буларнинг жазосиз қолаётганини сезган ука ҳам шу йўлдан кетди. Унга узоқ бориш насиб қилмади.

ТАҲРИРИЯТДАН: азиз ўқувчилар, мана бир мақола баҳона муаллифининг фикр-мулоҳазалари билан ҳам танишиб чиқдиларингиз. Албатта, булар ҳаммаси субъектив қарашлар. Шундай бўлсада, сизнинг ҳам фикрингизни билишни хоҳлардик. Гап мақолада эмас. Гап кундан-кунга ошиб бораётган жиноятчиликда. Унга қарши қанча курашмайлик, илдинини тополмас эканмиз, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Гап мана шу илдин ҳақида. Ҳўш, буларнинг ҳаммаси қаердан чиқиб келаяпти! Бошлангани қаерда! Биз мана шуларга яхши эътибор бермай туриб, жонини бошқа ерга яшириб қўйган ялмоғиз билан курашаётган оғ-иниларга ўхшаб қолмаяпмизми! Хуллас, фикрларингизни кутамиз.

АНЗИРАТНИ КЎРГАН БОРМИ?



Самарқанд шаҳар ИИБ томонидан 1966 йилда туғилган, шу шаҳардаги Термиз кў-

албатта. Нима ҳам дердик, тажрибасизлик...

Давр ўзгарапти. Эски гаплар амалдан қолди. Янгилари чиқаяпти. Энди яхшилик томон кетаяпмиз деб ўйлайсизми? Бўлмаган гап. Бундай олиб қараганда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ ҳисоб. Коммунистларнинг «коммунизм»да яшадик нимаю, демократларнинг «демократия»сида яшадик нима? Фарқ кўрмайман. Менинг тахминимча, яқин кунларда Ўзбекистон аҳоли жон бошига ҳисоблаганда энг демократик жумҳуриятга айланади. Ушанда ҳаммамиз бор овоз билан янги қўшиқни бошлаймиз. Балки эскисини янги маромда айтармиз, яна ким билади. Бу ёқда жиноятчилик эса ошиб бораверади.

Одамларга эътиқодни қайтариш керак. Уларга муқаддас нимадир бериш керак. (Халқ оддий ва моддий нарсаларга сиғинмайди. Уларни тан олмайди). Бўлмаса қонунбузарлик ҳоллари камаймайди...

Мана бир фожиа баҳона дардларимни дастурхон қилиб олдим (эски қудуқ бўлмагач...). Лекин бу тўғрида жиддийроқ ўйлаб кўрадиган фурсат келди. Бугунги кунда жиноятчиликнинг кун сайин ортиб бораётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Сон жиҳатдан ортибгина қолмай, мазмун, моҳиятан ҳам чуқурлашиб бормоқда. Бу мазмуннинг ичиде эрини ўлдириш учун буюртма беришдан тортиб, сабабсиз бир аёлни ўлдириб, бочкага тиқиб устидан цементлаб ташлашгача бор. (Бу фожиалар ҳақида кейинчалик батафсилроқ ҳикоя қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас). Инсоният қайси томонга кетаяпти, билмайман. «Одам-одамга бўри», ақидаси энди амал қила бошладими?.. Бунчалар ҳам тушкун бўлиш яхши эмас, лекин бунақа ранг-баранг қотилликларни эшитавергач, кўтаринкиликдан асар ҳам қолмас экан.

Туриб-туриб алам қилиб кетади. Ўз уйда ухлаб ётган беозор, муштипар онани (умуман, «она» сўзининг олдида ҳар қандай сифатнинг ёзилиши ортиқча бўлса керак) ўлдиришга кимнинг ҳуқуқи бор? Бузуқ аёлни ўлдиришса тушуниниш мумкин. Амал, пул, номус таллашиб қотиллик қилинса, тушунса бўлади. Аммо, ҳеч нарсадан беҳабар онани... Осмон нега тушиб кетмас экан?...

ИСРОФИЛ.

часида жойлашган 97-уйда истиқомат қиладиган Анзират Улмасовна Жўрақулова қидирилмоқда. У шу йил 22 сентябрь кунни эрталаб соат 10 ларда дўконга бориб-келиш учун уйдан чиқиб кетган. Шундан бери дом-дарақсиз.

Белгилари: бўйи 155 сантиметр, ўртача гавдали, сочи узун ва қора.

Уша кун у ҳаворанг кўйлак, миллий лозим, «Иринка» деган қизил рангли оёқ кийимда бўлган.

Анзиратни кўрган-билганлар ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлганлардан «02» рақамли телефон орқали ўзлари яшаб турган жойдаги ички ишлар бўлимларига хабар қилишларини сўраймиз.

ҲЕЧ КИМ БИЛМАСИН...

Али Бакирович хотинининг «ситам»ларидан бўғилиб кетди. Қачон қарама, тергагани-тергаган. Нима бало терговчимми? «Қаядоқ қилсам, бундан қутуламан?» — дерди ўзига-ўзи бошини чағаллаганча. Ҳадеганда жавоб топилвермади. Ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юрди. Ўйланди.

Бирдан шошиб омбор томонга юра кетди. Идишдаги керосинни олиб бошидан қуйворди. Кейин гугурт ахтарди. Ошхонадаги стол тортмаларини очиб кўрди. Қошиқ, кашкир, чўмич бор, аммо излаётган нарсаси йўқ.

— «Ўзимни-ўзим ёқиним шартми, чавақласам ҳам бўлаверади», — деб ўйлади, аммо ничоқ ҳам ҳеч қаерда йўқ.

Узоқдан машина овози эшитилди. Югуриб кўчага чиқди, «гупи» этиб ўзини йўлининг ўртасига олди.

Машина таққа тўхтади. Ҳайдовчи кўриб кетган экан, бироқ ўзига келиб олди, кейин ғазаб билан керосин анқиётган Али Бакировичнинг ёқасидан тугди.

— Нима бало, ўлгинг келяптими? Машинам остига ўзингни ташлагандан кўра, анови каналга ташламайсанми? Ёлдиракнинг остида тилла-пилла кўрганмисан? Ҳе, сени...

Канал шу пайтгача эсига келмаганини қаранг. Узоқ ҳам эмас. Бир пасда етади.

Катта йўлдан кетаётган Али Бакирович уловларнинг сигнализига ҳам, ҳайдовчиларнинг болохонадор сўқинишларига ҳам парво қилмасди. Чунки у олдига қўйган аниқ мақсади саринтиларди.

Кўприкни кўриши билан кўзларини чирт юмиб олди. Ўрнатилган бетон тўстқларни пайпаслаб, ўз тахминича, қоқ ўртадагисига келди. Тўсиққа кўтарилиб пичирлади:

— Алвидо, болаларим. Мен оналарингнинг жавраши қурбони бўламан. Алви-до!..

Кўзини очса, суви қуриган каналнинг қоқ ўртасида балчиққа ботиб ўтирибди.

— Эҳ, ажал етмаса бари бекор экан.

Ўт-ўлавларга тирмашиб, аранг юқорига чиққач, те-варак-атрофга алаң-жалаң назар ташлади. Хайрият, гувоҳлар йўқ экан.

Хурсанд бўлганча оёғини қўлига олиб уйига чонди. Йўлда кетаркан:

— Энди сени сира хафа қилмайман, хотин. Мен ўлмайдиغان бўлдим, — дея дилдан ўтказарди.

Мободо Али Бакировични учратиб қолсангиз, бу ҳақда оғиз очманг-а? Гап шу ерда қолсин.

Тўхтасин
МИРЗАРАҲМАТОВ.

ТУРМУШ САВОҚЛАРИ «ЮР, ЎҒЛИМ ТАНИШТИРАЙ...»

Собиржон ўзига тўқ оилада вояга етди. Армия сафига чақирилганда отаси ўғлини олиб қолиш учун қанча ҳаракат қилмади, дейсиз. Ҳатто пора бермоқчи бўлди.

Бироқ соғлом, бақувват йигитни ҳарбий хизматдан қолдиришнинг иложи топилмади.

Ҳаш-паш дегунча икки йил ҳам ўтиб кетди. Эсон-омон ота-онаси бағрига қайтган Собиржон анчагача ишламади. Меҳрибонлари эса ўртоқлари олдида уялмасин, деб ҳар куни чўнтагига пул солиб қўйишарди.

Бир куни у маҳалласидаги чойхонага чиқса, тенгдошлари тўрда сигарета бурқситиб, карта ўйнашарди. Уртада пул уюми.

Чўнтагидаги пулларга ишон-

ган Собиржон ўйинга қўшилди. Йигитнинг бир-икки сафар омади чопди-ю кейин бой бера бошлади. Қизишиб кетган Собиржон анча пул ютқишти.

— Оғайнилар, қарзимни кейинроқ тўласам...

— Йўқ, ҳозир нақд тўлайсан.

— Ҳозир пулим йўқ.

— Топасан, вассалом.

Орада жанжал чиқди. Йигитлар бўғиша кетишди. Чойхонадаги кишилар аралашиб уларни ажратдилар. Бироқ ҳовури босилмаганлар орани очик қилиш учун ташқарига чиқдилар.

Собирни қора қонига бўяган картабозлар яна ўйинни давом эттириш ниятида ичкари киришди.

Калтакланган қаҳрамонимиз ҳам судралганча уларнинг орқасидан юрди. Лаби ёрилган йигитга раҳми келган бир кекса «Тез ёрдам»га сим қоқди.

Собиржон касалхонадан лаби тиртиқ бўлиб чиқди. Шу билан баридан қутилдим деб ўйлаганди. Аммо картабозлар унинг тузалиб чиққанидан хабар топишгач, келиб қарзини эслатиб қўйишди.

Ота-онасига бу ҳақда ёрилмаган «эрка ўғил» ютқазган

пулни тўлаш мақсадида кисса-савурлик қила бошлади.

Аммо бир куни... Автобусда одам тирбанд. Собиржон бир аёлнинг сумкасига қўл чўзди. Бироқ аёл сезгир экан, кисса-савурнинг қўлини маҳкам сиқди. Ҳамён ётап» этиб ерга тушди.

Собир юлқиниб эшикка ўзини урди.

— Ушланглар, ўғрини... Лабида тиртиғи бор!..

Эртаси куни онаси Собиржонга пешвоз чиқди.

— Ўғлим, юр, дугонам билан таништириб қўяман. Сени дўконга ишга киргизиб қўяди.

Улар биргалашиб дўконга келишди. Собир остона ҳатлади-ю, донг қотиб қолди. Аёл эса сапчиб ўрнидан турди. Маҳкам ҲАКИМОВ.

СИР

Тўғри, ҳозир яшаш қийин. Кўп нарсаларда хоҳиш-истакни жилавланганга тўғри келади. Кимдир «қиммат бўлса ҳам йўқ-ку», дея, баъзилар «бўлсаям арзонроқ бўлса», деб нолийди. Ҳозир Афандига ўхшаб уни-сигаям, бунисигаям қўшилувчилар кўп. Битта гапирадиган, ягона фикр билдирадиган эркак йўқ. Қийин-а? Лекин начора. Ҳаёт шунақа. Яхши яшашни хоҳловчилар кўпайгани сари, тақчиллик, нарх-наво ошиб борапти. Эҳ-ҳе, ҳозир ношукурлар кўпайган. Ношукур бўлишмаса, ота-боболаримиз бўз қўйлак бўз иштонда юришганини, қорни тўйса хурсанд бўлганини билмайдими? Ахир бу «илмий исботланган тарихий ҳақиқатни» етмиш йилдан бери қулоғимизга қўйишарди. Тагин ҳам битиб қолганини бу қулоқларнинг. Аслида битиши керак эди. Негаки ҳозиргидай ҳамма «закўнчи» сиёсатфуруш бўлмай, фақат қорин тўйдириш учун ишларди.

Мана Василий... Йўқ Александрдан бошлай қолай. «Фотон» ширкатига қуювчи бўлиб ишга кирди. Аммо етишмовчилик барибир оёғидан чалди. Фақат еб-ичиш, уйга, чироққа, яна бало-бадтарларни тўлашга етади холос. Қошқини бу унинг тасавурида яшаш ҳисобланса. Александрнинг онги бизникдан юқорироқми билмадим-у, аммо мен ҳам бу яшашни яшаш демайман. Аммо барибир иложим йўқ-да.

Эрталабдан кечгача ишлайди. Аммо жисмоний меҳнатнинг ҳам меъёри бўлиши керак-ку пул топиш йўлида.

Охири дўсти Василий озиб-тўзиб кетган ўртоғига кайф устида яхши яшашнинг биринчи сирини очиб қўйди. Айтилган сўз—отилган ўқ. Бўлар иш бўлди. Энди уни бажариш керак.

Улар ничоқ олиб Татьянанинг уйига келишди. Эшикни очган аёл пичоқни кўриб қўлларини тисарилди. Александр тинтувга киришди. Шу пайт балқонда турган Вадим хонага одимлади. Буни кутмаган боқинчи унга ўгирилиши билан Татьяна Василийни итариб юборди ва ташқарига отилди.

Гап нимадалигини тушунган Вадим Александрга ташланди. У боқинчининг қўлларини қайириб, пахта олиб тушганида, Василийни қўни-қўшнилари дўппослашарди.

Шу куниде «хаёлпараст» боқинчилар милицияга топширилди.

Нур БАДИЯ.



Янгиариқ тумани ИИБ ходими милиция старшинаси Тожибой Содиковнинг ички ишлар идораларидаги хизматига ҳам 28 йилдан ошибди. Пенсияга чиқиш арафасида. У кишини быладиганлар «таниб тинчмас қария» деб таърифлашади.

Ҳақиқатдан ҳам Т. Содиков шу йил икки гектар ерни юкарага олиб, пахта экди. Мана, энди оқласи билан бирга етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш учун тинмайпти.

СУРАТЛАРДА: Тожибой Содиков рафинаси Гулстон Нурметова, набираси Гули ва қизи Муножатлар билан; пахта терими авида.

Суратларни Саъдулла БОБОЕВ олган.

38 ёшли Азамат Нишоннинг мурдаси маккажў-хоризор ичидан топилди. Роса калтакланган, юз-кўзлари таниб бўлмас даражада моматалоқ. Шишиб кетганлигидан қиёфасини ҳам йўқотибди.

Қалби тош қотган одам-куш ким?

Оҳангарон тумани ИИБда катта терговчи милиция катта лейтенанти Р. Мираҳмедов бошчилигидаги оператив-тергов гуруҳи тузилди.

Гуруҳнинг қаттиқ изланиши, «Қорахтой» қишлоқ кенгаши аҳолисидан олинган

ЁЗИШ ҚИЙИН...

маълумотлар, тахминий текширишлар ўз натижасини берди. Қалавнинг учи Ён ариқ қишлоғида яшовчи 21 ёшли Собиржон Арслоновга бориб тақалди. Гумондор ўз уйида ушланди.

Қўлга олиш пайтида С. Арслоновнинг акаси Олим Арслонов милиция ходимларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Уни ҳам туман ИИБга олиб келишга тўғри келди.

Тинтув ва сўроқ вақтида

О. Арслоновнинг ҳақиқий башараси очилди. Унинг ёнидан наркотик модда топилди ва муқаддам икки марта давлат мулкани ўғирлаганлиги маълум бўлди.

Собиржон Арслонов ҳам Азамат Нишоннинг ўлимига сабабчи бўлганини тан олди.

Ҳа, Азаматни ўлдирдилар. Бу сўзларни ёзиш қанчалар оғир. Ёзиш. Ўлдирди-чи? Ўлдирган қандай жазм қилдикини? Одамзот ўз жинсдошига нисбатан ҳам шунчалик ваҳшийлик қилади-ми? Э. САТТОРОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, мухбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлими — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД Республикаси Узбекистан 26399 нусхада чоп этилди.